

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҒАНИЕВ ЗАҒАР УСАНОВИЧ

**АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИНИ ЙИҒИШ ВА ТАҲЛИЛИЙ
АМАЛЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Ганиев Зафар Усанович

Аудиторлик далилларини йиғиш ва таҳлилий амалларни
такомиллаштириш..... 3

Ганиев Зафар Усанович

Совершенсовование обобщения аудиторских доказательств и
аналитических процедур..... 27

Ganiyev Zafar Usanovich

Improvement of the generalization of audit evidence and analytical
procedures..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҒАНИЕВ ЗАФАР УСАНОВИЧ

АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИНИ ЙИҒИШ ВА ТАҲЛИЛИЙ
АМАЛЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертациясини маълуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.1.PhD/Iqt517 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилаган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (résumé)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.ifi.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Абдуганур Каримович
иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Параев Маманунус Каримбаевич
иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

Алиқуллов Абдунўмон Исмаилович
иқтисодийёт фанлари доктори, доцент

Ўқувчи Ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги QS:03/30.12.2019|17.01 рақамда Олий кенгашида 2021 йил «29» 01 кунини соат 16 дақиқасида бўлиб ўтди. Маниа: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tda.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (119) рақамда билан рўйхатга олинган) (Маниа: 100000), Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26.

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 01 кунини тарқатилди.

(2021 йил «08» 01 дақиқаси 4 -рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Темабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Калаидарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.П.Қўзимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш комиссияси илмий семинар раиси, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашув жараёнида ташқи савдо операцияларини амалга ошириш учун ташқи аудитга бўлган зарурият ошиб бормоқда. Бозор инфратузилмаси унсурлари ичида аудиторлик компанияларининг роли ва тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳон мамлакатларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимининг турлича юритилиши аудит соҳасида стандартларни мувофиқлаштириш ва татбиқ этишни тақозо этади. IFAC ҳузуридаги Халқаро аудиторлик амалиёти қўмитаси (IAPS) аудиторлик фаолияти кам тараққий этган давлатларда халқаро аудиторлик стандартларини қўллашни мувофиқлаштириб туради. Амалиётда бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан бирга аудит стандартлари ҳам қўлланилади. Хусусан, АҚШда улар аудитнинг умумқабул қилинган стандартлари – AUS (GAAS – Generally Accepted Auditing Standards) қабул қилинган бўлиб, улар аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва ўтказишда учрайдиган муаммоларни ҳал этишда қўлланилади. Аудиторлик компаниялари корпорациялар ва бошқа хўжалик юритувчи тузилмаларнинг ишлаб чиқариш, молия-хўжалик фаолиятида муомалаларнинг тўғри амалга оширилганлигини тасдиқлаб, мижозларнинг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жаҳон амалиётда ташқи фойдаланувчилар тушуна оладиган шаклда молиявий ҳисоботларни тузиш, унга баҳо бериш учун ташқи аудит текширувини халқаро стандартлар асосида ўтказиш ва ижобий хулосаларни олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Чунки ташқи аудит компания ва фирмаларни фаолиятини баҳолаш, ликвидлилик даражасини аниқлаш ҳамда рискларни минималлаштирган ҳолда, мутаносиб даромад олишини холисона баҳолашда аудиторлик далилларини йиғиш ва унга самарали аналитик ишлов бериши муҳимдир»¹. Ушбу жараёнда жаҳон миқёсида бизнеснинг ривожланиши ва унинг самарали бошқаришига баҳо беришда ташқи аудитор томонидан таҳлилий амалларни бажариши ҳамда уни халқаро стандартлар асосида таҳлил қилиниши масалалари илмий тадқиқ этилган. Бироқ, шуни эътироф этиш лозимки, хўжалик юритувчи субъектларда ташқи аудит томонидан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида текширишни ягона бир тизимга келтириш масалалари етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда бугунги кунда акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини таъминлаш ва уни халқаро стандартлар асосида ўрганиш муҳим ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларида ташқи аудитор томонидан аудиторлик далилларини йиғиш, таҳлилий амалларни қўллаш, маълумотларни ҳаққонийлигига баҳо бериш, уларнинг ишончлилигини аниқлаш, фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил

¹ Бабаев Ю.А., Петров А.М. Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО). Учебник, М.: ИНФРА-М, 2017. -398с. С. 48.

қилиш каби масалаларни ҳал этишни тақозо этади. Бугунги кунда мамлакатимизда акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириш амалга оширилаётган ислохотларни асосий йўналиши сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон «Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 274-сон «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасидаги мажбурий аудит қилиниши лозим бўлган субъектларнинг фаолиятини ташқи аудит томонидан аудиторлик текширувида молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш ва уни амалиётга жорий этиш ҳамда ташқи аудитни ташкил этиш, аудиторлик далилларини йиғиш ва таҳлилий амалларни қўллаш ҳамда унинг аудитини ўтказиш борасида бир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар ўзларининг тадқиқотларини олиб боришган. Мазкур масала юзасидан хорижлик иқтисодчи олимлар Э.А.Аренс., Дж.К.Лоббек, Р.Адамс, С.М.Бычкова, Л.Д.Бернстайн, Ю.А.Данилевский, Б.Т.Жарылгасова, Д.Р.Кармайл, П.И.Камышанов, В.В.Ковалев, В.В.Скобара, Л.В.Сотников, Я.В.Соколов, А.А.Терехов, А.Д.Шеремет., В.П.Суйцларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.²

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан И.Т.Абдукаримов, Р.Д.Дусмуратов, М.Б.Калонов, Ш.И.Илхомов, С.Н.Тошназаров, У.О.Саҳобов,

² Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. М.: Финансы и статистика, 1995. -560с. Р.Адамс Основы аудита: Пер с англ. / Роджер Адамс. -М: Аудит: ЮНИТИ, 1995. -398 с: The audit process: principles, practice and cases / I.N.Gray, S.Manson. -London: Van Nostrand Reinhold (International), 1989. -547 p; Бычкова С.М. Международные стандарты аудита: учебное пособие/ С.М.Бычкова, Е.Ю.Итыгилова. -М.: ПРОСПЕКТ, 2008. -432 с; Бернстайн Л.Д. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация / Л.А.Бернстайн; Науч.ред. И.И.Елисеева; Гл.ред.сер, Данилевский Ю.А. Общий аудит в вопросах и ответах / Ю. А. Данилевский. -М: «Бухгалтерский учет», 1995. -112 с; Жарылгасова Б.Т. Международные стандарты.

М.М.Тулахўжаева, Б.А.Хасанов, З.Т.Маматов, Б.К.Хамдамов, А.К.Ибрагимов, М.Қ.Пардаев, И.Н.Кузиев, А.З.Авлоқулов ва И.И.Мелиевларнинг илмий ишларида аудиторлик далилларини йиғиш ва таҳлил қилиш масалалари тадқиқ этилган.³

Юқорида таъкидланган олимлар ушбу муаммонинг айрим жиҳатларини ўрганиш бўйича турлича фикрларини билдиришган, лекин кўпчилигининг фикри иқтисодий эркинлаштириш шароитида аудиторлик амалларини баҳолаш ва уларга аналитик ишлов бериш масаласига мос келмаслиги ушбу мавзу бўйича изланиш қилишни тақозо этади.

Аммо, аудиторлик ташкилотларида таҳлилий амаллар ва уларни ўтказиш масаласи, уни амалга ошириш, аудиторлик далилларини тўплаш, уларни йиғиш тартибини такомиллаштиришни назарий ва услубий жиҳатлари атрофлича тадқиқ қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича концептуал йўналишлар ишлаб чиқилмаган. Бу эса бугунги кун талабларига жавоб берадиган илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилмоқда. Шу жиҳатдан, муаммонинг назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиниши мазкур ишнинг ўта долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТИ-3 «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аудиторлик текширувида далилларни йиғиш ва таҳлилий амалларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

³Абдукаримов И.Т. Оценка и анализ финансового состояния предприятия: Учебное пособие / Абдукаримов И.Т. -Тамбов: ТРО ВЭО России - Изд-во ТГУ им. Державина, 2001. -74 с; Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубий ва амалиёт: Монография. - Т: «Молия» нашриёти, 2007. - 276 б; Калонов М.Б. Даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили услубий: монография, Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019.-275 б; Илхомов Ш.И. Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фан. док. дисс. авторефер. Т.: ТМИ 2018. -40 б; Тошназаров С.Н. Иқтисодий модернизациялаш шароитида молиявий ҳисобот: муаммо ва ечимлар: Монография. - Тошкент: «Наврўз», 2016. - 296 б; Саҳабов У.О. Планирование аудита: монография / У.О.Саҳабов., Ш.К.Давранова. -Т.: Ўзбекистон аудиторлар палатаси, 2008. -160 с; Тулахўжаева М.М.Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. -Тошкент: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998. - 176 б; Хасанов Б.А., Зокирова М.Ш., Алибаев З.А. Ички аудитни автоматлаштириш асослари - Тошкент: «Фан», 2003. - 162 б; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: Иқтисод фан. док. дисс. авторефер. Тошкент: БМА, 2005. 40б; Хамдамов Б.К. Аудитнинг халқаро стандартлари. Дарслик. Тошкент: «Iqtisod-Moliya», 2020.-281б; Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. -Т.: «Молия», 2013. -384 б. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. Тошкент: «Fan va texnologiya», 2007. 164 б; Кузиев И.Н. Аудиторлик ҳисоботларини тузиш ва уларни умумлаштириш:назария ва методология масалалари. Монограф. Т.: «Iqtisod-Moliya», 2015.- 200 б; Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фан. док. дисс. авторефер. Тошкент: ТМИ, 2019. 72б; Мелиев И.И. Аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказишни такомиллаштириш. Иқтисод фан. док. (PhD) дисс. автореферати. Тошкент: ТМИ, 2020. 63б.

аудиторлик текширувида далилларни йиғиш, маълумотларнинг мазмунини аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

акциядорлик жамиятларида аудиторлик далилларини йиғиш, умумлаштириш ва гуруҳлаш бўйича таклифлар бериш;

аудиторлик ташкилотларида аудит учун тўпланган далилларга таҳлилий амаллар босқичлари, унинг усулларини гуруҳлаш;

аудиторлик далилларни йиғиш тартибини таҳлил қилиш натижасида унинг оптимал вариантини ишлаб чиқиш;

аудит жараёнида тўпланган далилларга таҳлилий амаллар ёрдамида самарали усулни таклиф қилиш;

аудиторлик далилларини йиғиш ва таҳлилий амалларни қўллашнинг хусусиятлари ҳамда аудиторлик далиллари таҳлилинини, услубий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги акциядорлик жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети аудиторлик далилларни йиғиш ва таҳлилий амалларни такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, корреляцион ва регрессион таҳлил, таққослаш, омилли таҳлил ва молиявий коэффицентлар каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аудиторлик текширувида ички назорат таркибига рискларни баҳолаш, воситалар мониторинги элементини киритиш асосида ташкил этиш таклиф этилган;

аудиторлик далилларини тўплаш манбаларини умумлаштириш босқичларига интеллектуал, вақтинчалик ресурсларни киритиш таклиф этилган;

аудиторлик далилларини ресурс ёндашуви асосида тўплаш ва баҳолашнинг етарлилик, мослик ва ишончлилик мезонлари таклиф этилган;

аудиторлик ашёвий далилларини йиғиш ва қайта ишлаш амалларига мулкни сақланишини текшириш, молиявий ҳисоботлар ҳамда молиявий фаолият таҳлилинини киритиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўпланган аудиторлик далиллари сифати ва унинг таркибини таҳлил қилиш натижасида субъектлар фаолияти бўйича оптимал аудиторлик маълумотларини тўплаш тартиби ишлаб чиқилган;

аудит учун тўпланган далилларга аналитик ишлов бериш босқичлари, унинг усулларини гуруҳлаш услубиёти такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятларида ташқи аудит томонидан аудиторлик текшируви натижалари юзасидан аниқланган камчиликларни тузатиш қайдномаси ишлаб чиқилган;

«Таҳлилий амаллар» (АХС 520-сон) номли аудитнинг халқаро стандарти асосида таҳлилий амалларни ҳисоблаш тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, далилларнинг асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясига қарашли акциядорлик жамиятларининг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар акциядорлик жамиятларида халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда шунингдек илмий тадқиқот ишланмаларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикасидаги мажбурий аудиторлик текшируви амалга ошириладиган хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик далилларини йиғиш ва таҳлилий амалларни қўллаш бўйича ички ва ташқи аудитни услубиётини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аудиторлик далилларини йиғиш ва таҳлилий амалларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аудиторлик текширувида ички назорат таркибига рискларни баҳолаш, воситалар мониторинги элементини киритиш асосида ташкил этиш бўйича таклифи «Ғалла-Алтег» АЖнинг ҳисоб сиёсатининг ички назорат тизимини ташкил этиш бўлимида ўз аксини топган («Ғалла-Алтег» АЖнинг 2020 йил 19 февралдаги 03/90-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларидан аудит учун сифатли ахборотларни олиш, шунингдек ресурслардан самарали фойдаланиш имонияти яратилган;

аудиторлик далилларини тўплаш манбаларини умумлаштириш босқичларига интеллектуал, вақтинчалик ресурсларни киритиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси томонидан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси 2020 йил 25 сентябрдаги 32-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф амалиётга жорий этилиши натижасида ташқи аудит текширувларининг сифатли ўтказилиши ва далилларнинг етарлилиги ва мослиги таъминланишига хизмат қилган;

аудиторлик далилларини ресурс ёндашуви асосида тўплаш ва баҳолашнинг етарлилик, мослик ва ишончлилик мезонлари бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси томонидан аудиторлик текширувларини сифатли амалга ошириш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси 2020 йил 25 сентябрдаги 32-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг

амалиётга жорий этилиши аудиторлик далилларининг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилган ҳамда холис ва ҳаққоний аудиторлик хулосасини тузишга имконият яратган;

аудиторлик ашёвий далилларини йиғиш ва қайта ишлаш амалларига мулкни сақланишини текшириш, молиявий ҳисоботлар ҳамда молиявий фаолият таҳлилининг киритиш бўйича таклифи «Жиззахдонмахсулотлари» АЖнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Жиззахдонмахсулотлари» АЖнинг 2020 йил 21 сентябрдаги 820-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши молиявий ҳисоботлар тушунтириш хатида ахборотларни очиқ бериш борасидаги таклифлари ташқи фойдаланувчилар учун ишончли ва шаффоф ахборотларни шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиётни ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Аудиторлик далилларини йиғиш ва таҳлилий амалларнинг назарий асослари**» номли биринчи бобида, Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, аудиторлик фаолиятида аудиторлик далилларини йиғишнинг аҳамияти ва аудиторлик далилларини йиғишда таҳлилий амаллар ва уларнинг назарий асосларининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Акциядорлик жамиятлари Ўзбекистон Республикаси ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим ўрин эгаллайди ва улар ишлаб чиқаришни асосий тармоқлари ривожланишини белгилайди. Акциядорлик жамиятлари фаолиятига инвестиция жалб этишда, айниқса чет эл инвестициясини кенг жалб этиш масаласини амалга ошириш жараёнида уларни мулк шаклини ўзгариши ва инвестицион муҳитни яратилиши асосий ўринни эгаллайди.

Акциядорлик жамияти фаолиятини аудит қилиш масаласида асосий эътибор молиявий ҳисоботларнинг аудитига қаратилиши лозимлиги, энг аввало аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда белгилаб қўйилган. Бунда аудиторлик ташкилотлари юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботлари ва уларнинг айрим фаолиятларини текшириш билан шуғулланадилар. Бунда асосий масалалардан бири аудиторлик далилларини оптимал вариантда тўплаш, уларга тахлилий амалларни қўллаш муҳим масала ҳисобланади. Ушбу масалада турлича фикрлар мавжуд, шу жумладан, иқтисодчи олимлар – А.Д.Шеремет ва В.П.Суйцларнинг фикрича, «Аудиторлик далиллари – бу аудитор томонидан аудиторлик текшируви жараёнида олинган, ушбу ахборотларни тахлил қилиш натижасида аудитор фикрини ташкил қилиш учун асос бўлган ахборотлар ҳисобланади»⁴ деб эътироф этишган.

Бу хусусида барча олимларнинг фикрларини яқдил деб бўлмайди. Масалан, хорижлик иқтисодчи олимлардан С.М.Бычкова, Е.Ю.Итыгилова томонидан ушбу масалада қуйидагича фикр билдирилган: «Аудиторлик далиллари етарли ва мақсадга мувофиқ бўлиши муҳим ҳисобланади. Чунки ушбу кўрсаткичлар қанчалик тўпланиши аудитни режаси ва аудиторлик текширувларининг суммасига ҳам таъсир қилади. Чунки аудиторлик далиллари етарли бўлиши аудит хулосасини қандай бўлиши кераклигига бевосита боғлиқ ҳисобланади»⁵.

АХС 500 - сон «Аудиторлик далиллари» номли стандартда аудиторлик далилларига қуйидагича таъриф берилган: «Аудиторлик далили – Аудиторлик фикри учун асос бўлган хулосаларга эришишда аудитор томонидан фойдаланилган маълумот. Аудиторлик далили молиявий ҳисоботлар учун асос бўлган бухгалтерия ёзувлари ва бошқа маълумотлардан ташкил топади»⁶.

Ўз навбатида, маҳаллий иқтисодчи олимлардан Р.Д.Дусмуратов томонидан қуйидагича фикр билдирилган: «Далил дейилганда бошқа фактнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки инкор қиладиган факт ёки мазкур факт ҳақидаги у ёки бу даражадаги ишончлилик билан фикр шакллантиришга имкон берадиган, маълум факт тўғрисида маълумотлар олиш жараёни тушунилади»⁷.

Иқтисодчи олим И.Н.Қўзиевнинг фикрича, «Аудиторлик далиллари – аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви вақтида йиғилган ва аудиторлик хулосасини асословчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, аналитик счётлар қолдиқлари, бошланғич ҳужжатлар ва йиғма регистрлар, бошқа аудитор томонидан тўпланган ахборотлар ҳисобланади»⁸.

⁴ Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. М.: ИНФРА-М, 2006. 448с. С.204.

⁵ Бычкова С.М., Итыгилова Е.Ю. Международные стандарты аудита. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. с.202.

⁶ Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012 йил нашри. 1-2-3-4 қисмлар. ЎБАМА. 2014.

⁷ Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2003. 139-бет.

⁸ Қўзиев И.Н. Аудиторлик ҳисоботларини тузиш ва уларни умумлаштириш: Назария ва методологик масалалар. Монография. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2015. 58-бет.

Демак, фикримизча, аудиторлик далиллари аудиторлик хулосасини ифода этиш учун асос бўладиган бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бошланғич ҳисоб ва умумлаштирувчи ахборотлар, молиявий ҳисоботни тузиш учун асос бўлган маълумотлар ва счётларнинг қолдиқлари, бизнес режа ахборотлари, ташқи ахборот манбаларидан олинган маълумотлар ва бухгалтерия ҳисобига тааллуқли бўлмаган ахборотлар ҳисобланади.

Аудиторлик далилларини олишда молиявий ҳисоботнинг асоси бўлган бошланғич ҳужжатлар ва бухгалтерлик ёзувлари, шунингдек бошқа манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан фойдаланилади. Аудиторлик далиллари етарли ва мос бўлиши керак⁹. Демак ушбу стандартга кўра аудиторлик далиллари аудиторлик хулосасини бериш учун етарли ва хулоса қилиш учун асосли бўлиши лозим.

Аудиторлик ташкилоти етарли ва асосланган ҳолда хулоса бериш учун аудиторлик далилларини тўплаш жараёнида бизнинг фикримизча, қуйидаги омилларга асосий эътиборни қаратиши лозим деб ўйлаймиз:

акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботи ва жамиятда ташкил этилган ички аудит ва ички назорат тизими характери, шунингдек ички аудитнинг мустақиллиги ва назорат рискинни баҳолаш жараёнига баҳо бериш;

аудиторлик ташкилоти томонидан бажариладиган аудиторлик амаллари ва аудит ишларининг ҳажми;

аудиторлар томонидан тўпланган аудиторлик далилларининг маълумот манбаси ва уларнинг ишончилигини далиллар билан исботланиши.

Маълумки, аудиторлик далилларини хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини тестдан ўтказиш ва моҳияти бўйича текшириш амалларини ўтказиш йўллари билан олиш мумкин. Ички назорат тизимининг тестлари аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг ҳолатини баҳолаш учун аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган амалларни ифодалайди.

Аудиторлик далиллар олиниши керак бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг асосий жиҳатлари қуйидагилар ҳисобланади:

тузилма (бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими, хатоларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тўғрилашга қаратилган тузилмага эга эканлиги);


иш юритиш (бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари самарали ишляптими).

Бизнингча, акциядорлик жамиятларида ички назорат тизимининг таркибий қисмларини қуйидагича ажратишимиз мумкин: (1-расм).

Ички назорат тизимининг биз томонимиздан тавсия қилинган бешта таркибий қисмлари келгусида акциядорлик жамиятларида аудиторлик

⁹ Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012 йил нашри. I-қисм. 2-жилд. ЎБАМА. 2014. 620-646 бетлар.


далилларини йиғиш ва таҳлилий амалларни қўллаш тартибини услубий жиҳатдан такомиллашувига олиб келади.



1-расм. Аудиторлик текширувида ички назорат тизими элементлари¹⁰

¹⁰ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, халқаро аудит стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда мустақил аудит томонидан аудиторлик далилларини тўплашда ташқи манбаларга кўпроқ таяниши ва уларни умумлаштиришнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ташқи аудит текширувларининг сифатли ўтказилиши далилларнинг етарлилиги ва мослигини таъминланиш имкониятини яратади.



2-расм. Аудиторлик далилларини тўплаш манбаларини умумлаштириш босқичлари ¹¹

Фикримизча, аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ташқи аудит томонидан аудиторлик далилларини тўплаш манбаларини

¹¹ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

умумлаштиришнинг алгоритмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Биз томонимиздан аудиторлик далиллари тўплаш жараёнларини таъминлайдиган ресурсларнинг таклиф қилинадиган таркибини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин (2-расм).

Таклиф этилаётган ушбу тартиб аудиторлик далилларини тўплаш жараёни учун манбаларни етарлилигини таъминлашда услубий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилади.

Диссертация ишининг иккинчи боби «**Аудиторлик далилларини йиғиш ва таҳлилий амалларни ташкил этиш амалиёти**» деб номланиб, унда аудиторлик далилларини йиғишнинг ахборот манбалари, аудиторлик далилларни умумлаштириш ва уларни дастлабки таҳлилни ўтказиш тартиби, шунингдек мазкур бобда аудиторлик далилларига аналитик ишлов беришда хориж тажрибасини қўллаш тартиби келтирилган бўлиб, уларни таҳлили натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.


Бизга маълумки таҳлилий амаллар акциядорлик жамиятида молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини унинг режадаги кўрсаткичлари билан солиштириш, молиявий ҳисоботларнинг амалдаги кўрсаткичларини аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштириш, молиявий ҳисобот кўрсаткичларини амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи томонидан белгиланадиган меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Аудиторлик далилларининг етарлилиги ва мослигини таъминлаш мақсадида аудитор томонидан хўжалик юритувчи субъект фаолиятига оид барча маълумотлар тўпланиши зарур. Аммо пандемия шароитида буларни амалга ошириш муаммолари юзага келди. Шу боисдан аудиторлик далилларининг тўплаш манбаларини яхлит тизимга солиб, уни умумлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлик текширувлари давомида тўпланган далиллар, албатта таҳлил қилиниши ва ишончлилиги бўйича баҳоланиши зарур. Фикримизча, кўпроқ бевосита ташқи манбалардан олинган махсус далолатномалар ва тасдиқномалардан фойдаланиш борасида берилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши аудиторлик далилларининг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади, ҳолис ва ҳаққоний аудиторлик хулосасининг тузилишига имконият яратади. Аудиторлик текшируви жараёнида аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик далилларини тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиши лозим.

Аудиторлик далилларини йиғиш жараёни ва шу асосда аудитор хулосасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек аудиторлик текширувларини ташкил этишнинг замонавий шароитлари ва усулларига мурожаат қилиш зарурлигини кўрсатади.

Жараёни бошқариш учун сифат назорати қуйи жараёнларини ва улар доирасида аудиторлик далилларини олдиндан, жорий ва кейинги баҳолаш учун тегишли тартибларни тақсимлаган ҳолда аудиторлик жараёнларининг ягона кетма-кетлигини яратиш зарур.



3-расм. Аудиторлик текшируви жараёнида аудиторлик далилларини тўплаш ва баҳолаш¹²

¹² Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шу нуктаи назардан, фикримизча, бизнес-жараён ва ресурс ёндашувлари нуктаи назаридан аудит текшируви давомида аудиторлик далилларини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш алгоритми ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз (3-расм).

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аудиторлик далилларини баҳолаш учун етарлилик, мослиги ҳамда ишончилиги каби мезонларни киритилиши уларни дастлабки баҳолашда ва жорий назоратини таъминлаш имконини беради (1-жадвал).

1-жадвал

Аудиторлик далилларини баҳолаш мезонлари¹³

Талаб	Баҳолаш мезони
Аудиторлик далилларини дастлабки баҳолаш	
Етарлилик	дастурда етарли аудиторлик амаллари, цикллар, сегментлар, аудит объектлари, далил манбаларининг мавжудлиги
	танлаш ҳажмининг етарлилиги ва аудиторлик танлаш усулларининг тўғри қўлланилганлиги
	танлаш усулларининг самарадорлиги
Мослиги	дастурда акс эттирилган вазифаларининг асосланганлиги
Ишончилилик	ҳужжатлаштирилган далиллар манбаларининг ишончилиги
Аудиторлик далилларини қўшимча жорий баҳолаш	
Етарлилик	режалаштирилган аудит амалларини ҳажми, хусусияти, кўлами қўшимча амалларни ўтказишнинг асослилиги
	танлаш репрезентативлиги ва танлаш рискинни ҳамда танлашда хатоликларни камайтириш
Ишончилилик	амалларнинг ишончилиги (тасдиқлаш, маълумотномалар, ИСС синовлари)
Тизимлилик	ишчи ҳужжатларнинг мувофиқлиги, тегишли ҳужжатлар билан алоқаларнинг мавжудлиги
	ўзаро боғлиқ далиллар бўйича хулосаларнинг бир-бирига зид эмаслиги
Аудиторлик далилларини кейинги баҳолаш	
Етарлилик	ишчи ҳужжатлар етарлича мавжудлиги ва уларнинг дастурга мувофиқлиги
Мослиги	ишчи ҳужжатлар томонидан тузилган далилларнинг шарт-шароитларга мослиги
Таҳлил этилувчанлиги	иш ҳужжатларида аудиторлик далилларини акс эттирилишининг мувофиқлиги
	ҳужжатлардаги маълумотларнинг аниқлиги ва тўғрилиги
	аудит амалларини тўлиқ тафсилоти (таҳлили)

¹³ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Демак, аудиторлик далилларини тўплашда аудит текшируви жараёнларини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади, шу нуқтаи назардан таклиф этилган ушбу алгоритм аудиторлик далилларини халқаро стандартлар талабларига тўлиқ мувофиқлигини таъминлайди.

Биз томонимиздан берилган аудиторлик далилларини баҳолаш мезонлари бўйича таклифлар акциядорлик жамиятларида аудит далилларини олишга қўйилган талабларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолатига баҳо беришда баланс ликвидлиги таҳлилинини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлилий амалларни аудитор томонидан бажарилишида муҳим масала акциядорлик жамиятининг баланс ликвидлигини таҳлил қилиш масаласи ҳисобланиб, унинг ҳисобланиши акциядорлик жамиятини ўз мажбуриятларини тез бажариш имконини беради ва натижада тез пулга айланадиган активларнинг мавжудлигини кўриш имконига эга бўламиз (2-жадвал).

2-жадвал

«Жиззахдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти баланси ликвидлигининг таҳлили¹⁴

Актив	Сумма, минг сўм		Тутган улуши, %		Пассив	Сумма, минг сўм		Тутган улуши, %		Тўлов манбаларини ортиқча (+), етишмаслиги (-), минг сўм	
	2015 йил	2019 йил	2015 йил	2019 йил		2015 йил	2019 йил	2015 йил	2019 йил	2015 йил	2019 йил
Доимий ҳаракатдаги активлар	2036983	312720	1,2	0,2	Тўлов муддати келган мажбуриятлар	35757279	21702227	21,3	11,4	-33720296	-21389507
Тез сотиладиган активлар	82025784	99390854	48,9	52,0	Қисқа муддатли қарз ва кредитлар	124328151	161136522	74,1	84,3	-42302367	-61745668
Секин сотиладиган активлар	60004108	60811940	35,7	31,8	Узоқ муддатли қарз ва кредитлар	0	1180454	0,0	0,6	60004108	59631486
Қийин сотиладиган активлар	23793735	30591559	14,2	16,0	Ўз капитали	7775180	7087870	4,6	3,7	16018555	23503689
Баланс	167860610	191107073	100	100	Баланс	167860610	191107073	100	100		

¹⁴ «Жиззахдонмахсулотлари» АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, «Жиззахдон-маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида тўлов муддати келган мажбуриятлар доимий ҳаракатдаги активлари етарли даражада эмас, лекин узоқ муддатли қарз ва кредитларни қайтариш учун секин сотиладиган активлари миқдори етарли.

Аммо, қисқа муддатли қарз ва кредитларни қоплашга тез сотиладиган активлар 2019 йилга келиб, тўлов муддати келган мажбуриятларни қоплашга доимий ҳаракатдаги активларнинг етишмаслиги 21389507 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу ҳолат уларда аудиторлик текширувларини амалга оширишда аудит далиллари учун етарли маълумотларни олиш имкониятини бермайди.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятига баҳо берилганда, молиявий мустақиллик ва молиявий қарамлик, тўловга лаёқатлилик ҳамда қарз маблағларини узоқ муддатли жалб қилиш коэффициентини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ (3-жадвал).

3-жадвал

«Ғалла-Алтег» акциядорлик жамиятида молиявий коэффициентлар таҳлили¹⁵

Йиллар	Молиявий мустақиллик коэффициенти	Молиявий қарамлик коэффициенти	Тўлов қобилияти коэффициенти	Қарз маблағларини узоқ муддатли жалб қилиш коэффициенти
2015	0,10	0,90	0,85	-
2016	0,11	0,89	0,95	1,02
2017	0,11	0,89	0,95	0,66
2018	0,21	0,79	1,01	0,09
2019	0,39	0,61	1,27	0,005
2020 йил 1 июль ҳолатига	0,25	0,75	1,14	-
2019 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши	0,29	-0,29	0,42	0,005

Молиявий коэффициентлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, «Ғалла-Алтег» АЖ молиявий мустақиллик коэффициенти охириги 5 йил ичида 0,29 пунктга кўпайиб, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига 0,39 ни, тўловга лаёқатлилик коэффициенти ҳам 0,42 пунктга кўпайиб, 1.27 ни ҳамда қарз маблағларини узоқ муддатли жалб қилиш коэффициенти 0,005 пунктга кўпайиб, 0,005 ни ташкил қилган. Шу жумладан мазкур даврда молиявий қарамлик коэффициенти 0,29 пунктга камайган. Демак, таҳлил қилинаётган

¹⁵ «Ғалла-Алтег» АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

акциядорлик жамиятида молиявий коэффициентларни янада оширишга эришиш лозим бўлади. Бу эса аудиторлик далилларини олиш ва таҳлилий амалларни қўллаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Акциядорлик жамияти фаолиятига баҳо берилганида рентабеллик кўрсаткичларини баҳолаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Рентабеллик корхона фаолиятини бошқариш мақсадини ифодаловчи натижавий кўрсаткичдир. Рентабеллик кўрсаткичларини иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин:

биринчидан, ташқи, яъни корхона мулкдорлари ва потенциал инвесторлар учун мўлжалланган бўлиб, у қўйилган капитал рентабеллигини ўзида ифода этади;

иккинчидан, ички, у акциядорлик жамияти бошқарувчилари учун мўлжалланган бўлиб, акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ифодалайди.

Биринчи тоифа рентабелликка устав капитали рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва активлар рентабеллигини киритиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

«Ғалла-Алтег» акциядорлик жамиятида умумий рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили¹⁶

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил 1 июль ҳолатига
Соф фойда, минг сўм	3067757	3498541	3779225	9669579	31891935	33325721
Устав капитали, минг сўм	639863	639863	639863	639863	639863	639863
Хусусий капитал, минг сўм	7681403	9508414	14660437	20524601	44138436	47368817
Активлар жами, минг сўм	69449720	80651896	90707711	96171739	114634322	185986707
Устав капитали рентабеллиги = Соф фойда/Устав капитали*100%	479,44%	546,76%	590,63%	1511,20%	4984,18%	5208,26%
Хусусий капитал рентабеллиги =Соф фойда/Хусусий капитал*100%	39,94%	36,79%	25,78%	47,11%	72,25%	70,35%
Активлар рентабеллиги = Соф фойда/Активлар жами*100%	4,42%	5,20%	4,17%	10,05%	0,28%	17,92%

¹⁶ «Ғалла-Алтег» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлил қилинаётган тадқиқот объекти бўлган «Ғалла-Алтег» АЖнинг умумий рентабеллик кўрсаткичлари ўтган беш йиллик тенденцияси ижобий ҳолатга эга. Яна бир муҳим томони пандемия шароитига қарамасдан 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида эса хаттоки, пандемиядан аввалги кўрсаткичлардан кўра яхшироқ натижаларга эришган. Жумладан, хусусий капитал рентабеллиги амалдаги меъёрдан деярли икки баробар ортган (70,35%), шунингдек, активлар рентабеллиги эса ўртача 5 баробарга ортган (185986707 сўм ёки 17,92%га тенг). Лекин, бу якуний хулоса эмас, чунки бу хулосани 2020 йил 1 июль ҳолатини 2019 йилга нисбатан таққосладик.

Фаолиятнинг самарадорлигини ифодаловчи иккинчи тоифа рентабеллик кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтириб ўтилган (5-жадвал).

5-жадвал

«Ғалла-Алтег» акциядорлик жамиятида фаолият самарадорлигини ифодаловчи рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили¹⁷

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил 1 июль ҳолатига
Сотиш рентабеллиги=Ялпи фойда/Маҳсулот сотишдан соф тушум	10,81%	13,29%	11,35%	14,32%	17,18%	13,48%
Таннарх рентабеллиги = Ялпи фойда /Сотилган маҳсулот таннархи	12,11%	15,33%	12,81%	16,72%	20,74%	15,58%
Асосий фаолият рентабеллиги=Асосий фаолиятнинг фойдаси/(Сотилган маҳсулот таннархи+давр харажатлари)	2,11%	2,72%	2,60%	6,92%	13,96%	9,57%

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, «Ғалла-Алтег» АЖнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими таҳлил қилинганда, деярли кўрсаткичларнинг барчаси меъёр даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Пандемия шароитида ҳам сотиш рентабеллиги (13,48%), таннарх рентабеллиги (15,58%) ҳамда асосий фаолият рентабеллиги (9,57%) кўрсаткичлари ўтган беш йиллик маълумотларга нисбатан юқори бўлган.

Диссертациянинг «**Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик далиллари ва таҳлилий амалларни такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида аудиторлик далилларини йиғиш тартибини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, шунингдек диссертация ишининг мазкур бобида аудиторлик далилларини ҳужжатлаштириш жараёни ва уни такомиллаштирилиши ёритиб берилган.

Аудитнинг мақсади аудитор томонидан қўйилиб, аудит қилинаётган акциядорлик жамиятига нима мақсадда келганлиги ва текшириш акциядорлик жамияти учун қандай аҳамиятга эга бўлиши билан белгиланади. Аудитор

¹⁷«Ғалла-Алтег» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

акциядорлик жамиятида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар беради.

«Яширин иқтисодиёт» ва унинг амал қилиш механизми молиявий назорат тизимининг суствлиги ва текшириш жараёнида мулкнинг сақланиши бўйича назорат амалларининг мутлоқ қўлланилмай қолиши билан баҳолаш мумкин. Етарли аудиторлик далилларини йиғиш ушбу муаммо ечимининг асосини ташкил қилади. Аудиторлик далилларини олиш аудит амалларини бажаришнинг негизи ҳисобланади. Ташқи аудиторлар ўз иш ҳажминини қисқартириш мақсадида ички назорат тизими иш натижаларидан фойдаланади. АХС 500-599 «Аудитолик далиллари» - текширилаётган корхона фойятининг барча жабҳалари бўйича аудиторлик ашёвий далилларини йиғиш ва уларни қайта ишлаш тартиби келтирилган. Бизнингча, ушбу стандартлар талабларидан келиб чиқиб аудиторлик далилларини олиш ва улар асосида таҳлилий амаллар ўтказишни 3 гуруҳга ажратган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиши белгиланди (4-расм).



